


Ўзбекистон Президенти Хитой элчисини қабул қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 16 январь қуни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини яқунлаётган Хитой Халқ Республикасининг Фавқулодда ва муҳтор элчиси Сунъ Лицзени қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Хитой элчининг фаолияти самарали бўлгани ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва хар томонлама стратегик шерикликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга катта хисса қўшганини чукур мамнуният билан қайд этди.

2017 йил май ойида XXРга амалга оширилган олий даражадаги ташриф ва икки давлат раҳбарлари эришган келишувлар Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва уни аниқ мазмун билан бойитиш имконини бергани таъкидланди.

Турли даражадаги алоқалар, жумладан, парламентлар ва минтақалараро муносабатлар фаоллашди. Томонлар бир-бирини халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Ўзаро савдо ҳажми изчил ортиб бормоқда. 2017 йил яқунларига кўра, товар айирбошлиш ҳажми 4,5 миллиард долларга етган. Гидроэнергетика ва нефть-газ тармоғи, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш соҳаларида йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Муҳим минтақавий транспорт йўлаклари – "Ўзбекистон – Кирғизистон – Хитой" автомобиль ва темир йўлларини ривожлантириш бўйича ҳамкорликдаги ишлар бошлаб юборилган.

Маданий-гуманитар, илмий ва таълим соҳаларида алмашинувлар кенгаймоқда.

Ўз навбатида, Хитой элчisi Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чукур миннатдорлик билдириб, XXР Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Дипломат Хитой ўзаро муносабатларга муҳим аҳамият қаратаётгани, Ўзбекистон билан хар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой элчисининг ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб, Сунъ Лицзега Ватанимизнинг юксак давлат мукофоти – "Дўстлик" орденини топширди.



Элчи Сунъ Лицзе давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга унинг фаолиятини юксак баҳолагани ва "Дўстлик" ордени билан мукофотлагани, шунингдек, Ўзбекистонда Хитой дипломатик миссияси фаолиятига берилаётган ҳар томонлама кўмак учун самимий миннатдорлик билдириди.

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда бундан буён ҳам фаол иштирок этиш мақсадида эканини таъкидлади.

Тақдирлаш маросимида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

[ЎзА](#)